



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СССР Олий Советининг қарори

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ АСОСЛАРИ ЛОЙИХАСИ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети қарор қилди:

1. СССР Иттифоқи ва иттифоддош республикаларининг Ер тўғрисидаги Қонуни асослари лойиҳасининг муҳокамада матбуотда.
2. СССР Олий Советининг Аграр масалалар ва озиқ-овқат комитети ҳамда СССР Олий Советининг Қонунчилик, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети СССР Олий Советининг бошқа комитетлари ва палаталарининг доимий комиссиялари билан биргаликда Қонун лойиҳасига

СССР халқ депутатларининг тақлиф ва мулоҳазаларини ҳисобга олиб, зарур аниқликлар киритиш топширилсин.

Қонун лойиҳаси умум-халқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинсин.

3. СССР Олий Советининг Аграр масалалар ва озиқ-овқат комитети ҳамда СССР Олий Советининг Қонунчилик, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети СССР Олий Советининг бошқа комитетлари ҳамда палаталари доимий комиссиялари билан биргаликда СССР халқ депутат-

лари билдирган ҳамда умум-халқ муҳокамаси чоғида тушган тақлиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, СССР Иттифоқи ва иттифоддош республикаларининг Ер тўғрисидаги Қонуни асослари лойиҳасини ўзлаштириш, таҳрир қилиш ва Қонун лойиҳасини СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этиш топширилсин.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1989 йил 27 ноябр.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 233 (9729). • 1989 йил 7 декабрь • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон СССРнинг миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришининг, меҳнатқилар фаровонлигини оширишнинг АСОСИЙ ЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

1990 йил 18 февралда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови бўлди. Бу сайлов сиёсий ислохотнинг иккинчи босқичини бошлаб беради, республиканинг, ҳар бир област, шаҳар ва районнинг янада ривожланиши, одамлар фаровонлигини ошириш кўп жиҳатдан шу сайловнинг натижаларига боғлиқ бўлади.

Сайловда кампанияси авж олиб бормоқда ва бу гал мураккаб вазиятда ўтади. Қайта қуришнинг бурилиш, ҳал қилувчи ва шу сабабли энг қийин босқичи бошланди, революцион ўзгаришлар турмушнинг энг чуқур қатламлари-га кириб бормоқда, меҳнатқиларнинг турмуш манфаатларига дахлдор бўлмоқда.

Катта умумийтафозил хонадонимиздаги капитал ремонт осон бўлаётгани йўқ. Ҳокимият тепасига чиқиб олишти натижа, ўтиш даврининг қийинчиликлари руҳач қилиб, шундан фойдаланиб қоллишга, партия билан халқ ўртасига нифоқ солишга, кўпмиллатли давлатимизнинг бирлигини бузишга уринаётган кучлар пайдо бўлиб қолди. Улар вазиятни қасддан ескинлаштиришмоқдалар, интизом ва тартибни кўпмолқдалар. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Биз фақат биргаликда меҳнатимиз билангина ҳаммамнинг ва ҳар бир кишининг турмушини фаровон қила оламиз.

Ўзбекистон Компартияси сайловга тайёргарлик кўраётган, муфассал ҳаракат дастурини тақлиф этишни, республиканинг миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти энг муҳим, принципиал масалаларни ҳисобга олиб ўз фикрларини меҳнатқиларга баён этиб беришни зарур, деб ҳисоблайди.

I.

Ўзбекистон Компартияси марксизм-ленинизм ғояларига, социализм қурилиш ишига, интернационализм принципларига, барча миллат ва эл меҳнатқиларининг ўс-дилли ва қардошлиқда мутасаллиқ содиқлигини билдиради. У революцион қайта қуриш ва жаҳониятнинг янгилаш йўлини тўла-тўқис қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Компартияси ишчилар синфининг, колхозчи-деҳқонлар, зиёлиларнинг турмуш манфаатларини, Ўзбек халқининг, республикада яшоб турган барча миллат ва элларнинг меҳнатқиларининг муқдасоти ва озу-умидларини фойдалаб, мамлакатнинг янги халқ ҳўжалиги комплексни доирасида ҳар бир республиканинг суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини асосда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустақамлаш учун нақиллик билан ҳаракат қилаверади.

Республика территориясидаги ишлаб чиқариш, фан-техника потенциал, ер, ер ости, сув ва бошқа табиий бойликлар Ўзбекистон ССРнинг муқдасоти. У мазкур бойликларни аввало ўз халқининг, шунингдек СССР Иттифоқи халқларининг манфаатлари йўлида мустақил равишда тасаруф этади.

Ўзбекистон Компартияси партиянинг ғоявий ва ташкилий бирлиги позицияларида маҳкам турибди. Социализмнинг илмий назарияси ва қайта қуришнинг муфассал ҳаракати дастури билан қуролланган, ўз сафарларида ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, зиёлиларнинг, барча миллат ва элларнинг энг яхши намоёндаларини бирлаштириб турган ягона партиягина барча кучларни ўртада турган муаммоларни ҳал этиш учун, жаҳоният революцион янгилаш учун курашга жинслагатта олади.

Ўзбекистон Компартияси маҳаллий партия ташкилотларининг ҳўқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш учун курашади, улар эса КПСС Программаси ва Ўстави асосида ўз сиёсий ҳаракатларини белгилайди. Бу ташкилотлар умумпартиявий йўлга амал қилган ҳолда, миллий ҳамда маҳаллий ҳўсусликлар ва эҳтиёжларни назарда тутиб иш олиб боради.

Компартия қайта қуришни кучайтираётган экан, республиканинг ўтмиш ва ҳўзирги кўни тўғрисидаги тўла тарихий ҳақиқатни тиклаш зарур, ҳақиқатни қоралашга ҳам, беэза кўрсатишга ҳам йўл қўймаслик зарур, деб ҳисоблайди.

Ўзбек халқининг СССР Иттифоқидаги бошқа халқлар билан биргаликда босиб ўтган миллий ва ижтимоий озодлик йўли, социалистик давлатчиликни шакллантириш, ишлаб чиқарувчи кўчларни ва маданиятни ривожлантириш йўли осонгина ва бир текис бўлган эмас.

Шу йўлда ишлаб чиқаришнинг саноат негизин барпо этишда, ердан ва сувдан фойдаланиш соҳаси кўп даражада кенгайтирилди, маданиятнинг, халқ маорифининг, илм-фаннинг, соғлиқни сақлашни ривожлантириш ишлари катта қанчалар қўйилди. Бутун мамлакат билан биргаликда Улуғ Батон урушининг машаққатларини Ўзбекистон ҳам тўла бошлади кечирди, юз минглаб қочқоқлар ва етимларни ўз бағрига олди. Ўз она-юртларидан ноҳақ кўчирилган халқлар билан ўз ери ва уйини баҳам қурди. Республикада аҳолининг қўлмиллатли состави тарихан таркиб топи, ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятининг бирлиги, ўзаро ҳўрмат ва яхши қўшничилик муносабатлари вужудга келди.

Шу билан бирга, бутун мамлакат қаби республика ҳам ленинча социализм қуриш пилани сохталаштирилганлиги ва бузилганлиги, социалистик қонунчиликда хилоф иш тутилганлигининг огир оқибатлари азобини торти.

Республиканинг давлат суверенитети кўп жиҳатдан расмий тарзда қолверди, энг муҳим маҳаллий муаммоларни ҳал этишда унинг мустақиллиги чеklang қўйилар эди. Марказлаштирилган органларнинг маҳкамачилик тарзидаги ёндашуш халқ ҳўжалигининг айрим тармоқлари бир ёндама ривожлантирилишига, асосан хом ашё еттиштириш учун зўр берилишига, ишлаб чиқарувчи кўчларни ривожлантириш ва жойлаштиришда катта номунавосиликларга, ижтимоий соҳанинг орқанда қоллишга олиб келди. Экология, аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари кўда кескин тус олди.

Миллий даромад ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар жиҳатидан, халқнинг турмушини таъминлаш даражаси жиҳатидан республика Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичлардан орқанда қолди. Пахтачиликда ялли маҳсулотни қўлайтириш кетидан қувиш бутун аҳолининг, айниқса деҳқонларнинг ҳаётини маънаватларига катта зиён етказди. Бу нарса пахта якхоқимлигига, деҳқончиликнинг илмий асосланган системадари бузилишига, ем-хаж

шак ва озиқ-овқат экинзорлари қамайиб кетишига олиб келди. Мана шу омилларнинг салбий таъсирини республиканинг бутун аҳолиси, барча миллатларга мансуб меҳнатқилар сезиб турибди.

Яқин ўтмишда «пахта иши» деб аталган ишга асосиёз, кўпичча пала-партиш ёндашилганлиги, миллий кадрларни танлаш ва тарбиялашда, тарихий ва маданий бойликларга баҳо беришдаги, халқ урф-одатлари ва анъаналарига муносабатдаги жиддий хатолар салбий таъсирини кўрсатди.

Ўзбекистон Компартияси йўл қўйилган хатолар ва бузилишлар учун ўз масъулиятини тўла-тўқис аниқлаб турибди. У КПССнинг бўлажак XXVIII съезидга ва ўзининг XXII съезидга тайёргарлигини авж олдиран экан, ўз ишчи талабчанлик билан танқидий руҳда таҳлил этмоқда, бу ишни кучайтириш йўллари кидирмоқда. Аввало демократия ва ошқоралик, кадрларнинг интизоми ва масъулиятини ошириш принциплари асосида партия ташкилотлари ва комитетларининг ўзидан қайта қуришни чуқурлаштириш вазифаси ўртага қўйилмоқда. Ҳўзир халқнинг ишончи ва ҳўрматини қозонган, одамларнинг, алоҳида ҳар бир кишининг турмуши ва манфаатларини қўзғаб яшаётган ҳодимларига раҳбарлик қилиш ҳўқуқига эгадирлар. Қайта қуришнинг муваффақияти, партиянинг ўз оёри-эътибори мана шунга боғлиқдир.

Принципиал партиянинг йўл шундан иборатки, ўтмиш ҳақидаги гап-сўзлардан ва танқиддорликдан, қуруқ ваъдалардан аниқ-равшан амалий ишларга ўтиш керак. ишларнинг натижалари ҳар бир меҳнат коллективда, ҳар бир оиллада сезилиб турадиган бўлиши. Ҳўзир сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳолининг пучилиши, энди ўзимиз ўтирган қийинчиликларнинг билан овозга бўлини драматиз, бу қийинчи тўғри йўлга солиб юбориш ва ун зарур жадаллик билан юргизиш керак. Ҳўзир одамларни тўқилантириб турган мушкул муаммоларни қаттиқ интизом, тартиб ва масъулият билангина ҳал этиш мумкин.

Бу ишда бошлангич партия ташкилотлари алоҳида роль ўйнайди. Компартия уларнинг мустақиллигини кенгайтиришга ва масъулиятини оширишга интилаверади. Бошлангич партия ташкилотлари ҳар бир меҳнат коллективда ўз фикрини баралла айтиб туриши керак. Уларнинг сўзи ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий соҳадаги ҳамма масалаларни ҳал этишда, кадрларни кўтаришда оёриги ва салмоқли бўлиши керак. Бу ишда ҳар қандай лаозимдаги ҳодимларга нисбатан шахсий қамтаринлик, ғайриқонуний имтиёзлар ва енгилликларга йўл қўймаслик маъносиди катта талаблар қўйилади.

Компартия, унинг ҳамма органлари ва ташкилотлари ҳар қандай мунособатдаги иш, бирикликдан воз кечиб, совет, давлат идоралари, насаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамбарчас ўзаро алоқа боғлаб ишлайдилар. Партия нарасимий уюшмалар ва ҳаракатлар билан мулоқот олиб боришга тайёргиллиги билдиради, аммо улар социализм ва интернационализм ҳаракат дастурига амал қилиши, совет қонунларига қатъий риоя этиши шарт.

Партия ҳеч қачон ўзини халқдан ажратган эмас. Бироқ ўтмишда партия турмушининг ленинча нормаларида чек-қилишга йўл қўйилганлиги партия комитетларининг омма билан алоқасини муайян даражада заифлаштирган эди. Шу сабабли Компартия меҳнатқилар билан алоқаси мустақамлаш, ишчилар синфига, деҳқонларга, зиёлиларга, жаҳониятнинг меҳнатқил кўчларига таъиниши ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблайди.

Халқ билан бирга яшаш, ҳамма қийинчиликларни халқ билан бирга бартариб этиш, турмушни биргаликда янги йўлга солиш, ҳамма муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, жаҳониятнинг ҳўзир ва келажигини биргаликда қуриш — республикадаги 680 минг коммунистнинг бутун республика аҳолиси олдидаги сиёсий ва маънавий мажбуриятидир.

Ўзбекистон Компартияси республиканинг ўтмиши, ҳўзирги кўни ва келажиги учун бутун масъулиятни тўла-тўқис ўз зиммасига олиб, ўзининг сайловдаги ҳаракат дастурида қуйидаги асосий йўналишларга амал қилади.

II.

Меҳнатқаш халқ манфаатларини ҳўмоя қилиш, ижтимоий адолат принципларини қарор топтириш, аҳоли барча табақаларининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш барча партия комитетлари ва ташкилотларининг асосий бурчидир.

Ўзбекистон Компартияси ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, меҳнатқашларнинг барча тоифалари ташаббускорлиги ва омилдорлигини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаверади, ҳар бир меҳнатқаш амалда ишлаб чиқариш соҳиб бўлиб қоллишга ёришиш учун ҳаракат қилаверади. Шу мақсадда ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида чинакам ҳўжалик ҳисобини ўзлаштиришга, меҳнат коллективларининг ҳўқуқлари ва ҳўжалик мустақиллигини кенгайтиришга, ижарани, деҳқон ҳўжаликлари пудратини ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг бошқа самарали шакллари кенгайтиришга қўмақлашиш зарур.

Меҳнатга лўғатли аҳолини иш билан тўла ва самарали таъминлаш — жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга молик вазифадир. Сўнгги йилларда қўриқлаётган чора-тадбирларга қарамай, бу соҳадаги аҳвол яхшиланимади, балки тағин ҳам чигаллашди. Меҳнатга лўғатли аҳолининг қўлайлиги қўшимча иш жойларини ишга туриштиридан ўзиб кетмоқда.

Ўзбекистон Компартияси аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини кўп меҳнат талаб қилувчи тармоқларни жадал ривожлантириш, ишлаб турган корхоналар иши сме-надорлигини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини,

кичик ва ўртача корхоналар тармоқларини, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда филиаллар ва цехларни жадал кенгайтириш, кооперативлар ва яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш, касаначилик ва меҳнатни ташкил этишнинг бошқа шакллари кенгайтириш ҳисобига ҳал қилиш зарур, деб ҳисоблайди. Ҳар бир район марказида кўп соҳали кооператив саноат комбинатлари ташкил этиш, халқ ҳўнармандчилигини ва қосибилик-ҳўнармандчиликни замонавий техника негизига тиклаш ва ривожлантириш таъминлаш керак.

Аниқ мақсад қўзда тутилиб, «иш билан таъминлаш» деб аталган комплекс программа янгида ишлаб чиқилди ва ў ҳўзирдаёқ амалга оширилмоқда. 1990 йилдаёқ салкам уч юз минг киши, аввало ёшлар иш билан ва барқарор маош билан таъминланадилар. Бўдугиси беш йилликда эса жамоат ишлаб чиқаришига ва ўқиниша бир ярим миллионгача кишини жалб этиш қўзда тутилмоқда. Кўп меҳнат талаб қиладиган ва илм-фанга асосланган замонавий ишлаб чиқаришлар учун тўл миллатта мансуб ёшлардан малакали ишчилар синфи ва инженер-техник ҳодимлар тайёрлаш жадал суртатлар билан олиб борилади.

Жон бошига тўғри келадиган даромадларини қўлайтириш, биринчи навбатда даромади кам оилалар ва граждандарнинг моддий аҳволини яхшилаш ҳақида республиканинг барча партия, совет, ҳўжалик органлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари керак. Ҳўзирги вақтда салкам 9 миллион киши ёки Ўзбекистон барча аҳолисининг 45 проценти жон бошига ойига ўртача 75 сўмдан даромад олмоқда, бу эса яшаш учун зарур бўлган энг кам миқдор ҳам етмайди. Ўзбекистон Компартияси аҳолининг кам таъминланган табақаларига ижтимоий ёрдам бериш программасини амалга оширишни, уларнинг турмуш даражасини кўтаришни, бу даражани республикадаги ўртача кўрсаткичларга яқинлаштиришни ўз бурчи деб ҳисоблайди. Корхоналар ва ҳўжаликларнинг ҳисобидан уй-жойлар қуриш, имтиёзли шартлар билан қарз бериш, арзон нархларда бинокорлик материаллари ва ёқилғи билан таъминлаш — белгиланган чора-тадбирлар жумласидир. Уй-жойлардан, коммунал хизматдан, мактабга борадиган муассасалар ва мактабдан ташқари муассасалардан фойдаланиш чоғида имтиёзларнинг кенг системасини амалга ошириш қўзда тутилган.

Аҳоли кам даромадли қисмининг ижтимоий жиҳатдан ҳўмояланганлигини кучайтириш учун 1990 йилдаёқ республика бюджетини ва маҳаллий бюджетлар ҳамда корхоналар ҳисобидан 142 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилди. Республика партия, насаба союз, комсомол ташкилотлари ўз маблағлари ҳисобидан бу олинган ишга ҳисса қўймоқдалар. Республиканинг ҳўжалик мустақиллиги ва молиявий маърифат мустақамлангани сари бундай ёрдам муттасили ошиб бораверади.

Истеъмол моллари ва хизматларга нарх-навоини оширишга, арзон истеъмол буюмлари, айниқса болалар ва кенсалар учун арзон буюмлар ишлаб чиқаришни қамайитиришга бўлган ҳар қандай уринишларнинг пайи қатъиян қирқилади.

Жаҳониятнинг саховати, иссофлиги ва инсонпарварлигини унинг уруш ва меҳнат ветеранларига, ёлғиз қолган кекса граждандар ва ногиронларга муносабатига қараб аниқланади.

Ҳўзирги вақтда республикада 3,3 миллион киши ижтимоий таъминот хизматидан фойдаланмоқда, бу мақсадга 1,6 миллиард сўм сарфланмоқда. Энг кам пенсия оладиган бир миллиондан кўпроқ одамнинг пенсияси ойига 70 сўмга етказилди. Пенсияерларнинг уларига бориб хизмат қилишининг янги тури ташкил этилмоқда.

Шунга қарамай, ижтимоий таъминот иши ҳақиқатан ҳам умумхалқ ёрдамига муҳтож. Партия ташкилотлари корхоналар, ташкилотлар ва ҳўжаликлар меҳнат коллективларининг ҳўжалик ҳисоби шартинда ўзлари ишлаб топган маблағлари ҳисобидан пенсияерлар ва кўп болалар оилаларнинг пенсиялари ҳамда нафақаларига қўшимча ҳўлаш тўғрисидаги инсонпарварлик ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар.

«Меҳр-муруват» деб аталган республика комплекс программаси ишлаб чиқилмоқда. Келгуси йил пенсиялар ва нафақаларнинг энг кам миқдорини ошириш учун қўшимча 7 миллион сўм маблағ сарфланади, бу эса 55 минг кишининг моддий аҳволини яхшилаш имконини беради. 1995 йилга бориб ногиронлар ва қаришлар учун интернат уйлари сонини қарийб икки баравар қўлайтириш, ижтимоий ёрдам бўлимларини тармоқини кам ҳудди шунча кенгайтириш қўзда тутилди. Интернат уйларида озиқ-овқат ҳаракатларининг нормалари анча оширилди, келгуси йилдаёқ интернационалчи жангчилар, ногиронлар ҳамда Афғонистонда ҳалок бўлганлар оилаларининг уй-жойларга ва томоғра қастакларига, санаторий-курортларга бориш йўлланмаларига, протез-ортопедия буюмлари ва махсус автотранспортга эҳтиёжлари қондирилди.

Кўп болалар оилалар республиканинг ўзига хос ҳўсуслигидир.

Ўзбекистон Компартияси оналик ва болаликни ҳўмоя қилишни, ҳар бир бола соғлом ва уйғун ўсиши учун барча шарт-шароитларни яратишни ўзининг маънавий бурчи деб ҳисоблайди.

Келгуси йилдаёқ умумий таълим мактабларининг 1—5 синфлари ўқувчиларини бепул оқватлантиришни ташкил этишга, кам қонли касалига мубтало бўлган ҳўмолдор аёлларга ёрдам беришга қўшимча 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Колхозларга давлат хари-ди ҳисобидан касалхоналар ва болалар боғчалари учун қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ажратиб беришга рухсат этилди.

Доимий мактабга чарбия муассасаларини жадал қуриш билан бирга, 1990 йилда хонадонларда 100 минг ўринли болалар боғчалари барпо этиш қўзда тутилмоқда.

Туришдан кейинги отпусқа қўлайтирилгани, шунингдек мактабларда болалар олти ёшдан ўқитилиши ҳисобга олиниб, келгуси беш йилликнинг охирига борадиган болалар муассасалари билан таъминлаш 50 процентдан ортиб кетади.

Ўзбекистон Компартияси қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборишни режалаштирмоқда. Биз деҳқонлар олдида катта қарздормиз. Кўпгина аҳоли пунктларида водопровод, канализация ҳамда табиий газ йўқ. Кўп қишлоқларда мактаблар, мактабга борадиган тарбия муассасалари ва медицина муассасалари, савдо ва маънавий хизмат объектлари йўқ.

Ўзбекистон Компартияси қишлоқдаги ана шу ва бошқа долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади. Ўзбекистон Компартиясининг таъиниши билан барча қишлоқ аҳолини томоғра билан таъминлаш, томоғра майдонини кенгайтириш юзасидан катта тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Натижада Уй-жой программасини ҳал қилиш, оилаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзларини таъминлашларини яхшилаш, бозорларни тўлдириб, аҳолини иш билан таъминлашни қўлайтириш қаби бир қанча ҳаётини муҳим ижтимоий вазифалар бир-бирига боғлиқ ҳолда ҳал этилмоқда. Қишлоқларда яшовчи аёлларнинг ижтимоий қофлатлари таъминлангани ҳам айниқса муҳимдир. Улар оила таъинишларини, болалар тарбиясини ўз зиммаларига олиб, давлат аҳамиятга молик жуда катта ишларни бажармоқдалар. Бироқ сўнгги вақтга ҳақларини таъиниши қисми пенсия, касалиги учун нафақа олиш ҳўқуқидан маҳрум қилиб қўйилган эди. Энди эса улар қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг ортиқча қисминини етказиб бериш тўғрисида шартнома тузиб, меҳнат дартфасини оладилар, барча ижтимоий неъматлардан фойдаланадилар.

Вазифа — режалаштирилган барча тадбирларни сансалорлиқсиз, тез амалга оширишдан иборат. Маҳаллий Советлар, колхозлар, совхозлар ёрдамчи ҳўжаликни ташкил этиш ва кенгайтириш учун қарз беришда, қишлоқлардаги хонадонларнинг наслдор моллар ва парранда билан таъминлашда қишлоқ меҳнатқиларига кенг миқёсда ёрдам беришлари шарт.

Шахсий ҳўжаликларда боқиладиган моллар сонини сўнгги равишда чекланмайдиган бўлади, уларни омухта ем, пичан ва ширали озуқа билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш вазифаси қўйилмоқда. Деҳқон ҳўжаликлари кичик механизация воситалари билан таъминлаш чоралари қўрилади. Партия комитетлари ва ташкилотлари ер участкалари ажратиб ҳамда одамларни сўсулар ва яқна тартибда уй қуриш учун бинокорлик материаллари билан таъминлаш чоғида ижтимоий адолатга сўзсиз риоя қилиш масаласини қаттиқ назорат остига оладилар.

Қўрилан чора-тадбирлар қишлоқда яқна тартибдаги уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга қўмақлашади. Келаси йили қишлоқ жойларда 5,3 миллион квадрат метр уй-жойларни қуриш назарда тутилди. Бу 1989 йилдагидан 800 минг квадрат метр ёки қарийб 20 процент кўндр. Ўзгача беш йилликда қишлоқ жойларда барча маблар ҳисобидан салкам 35 миллион квадрат метр уй-жой қурилади. Водопровод ва канализация тармоқларини, газ қувурларини жадал ривожлантириш, барча ҳўжаликларда қишлоқ врачлик-амбулатория ёки фельдшерлик-акusherлик пунктларини ташкил этиш, савдо ва маънавий хизмат корхоналари сонини кескин қўлайтириш режалаштирилган. Аҳолини, биринчи навбатда Қорақў, Қашқадарь, Бўхоро ва бошқа областлар аҳолисини шифоли сув билан таъминлашга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун қўшимча маблағ ажратилади, республика корхоналарида ускуналар ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Республиканинг келажиги ёшларга, ёшлар учун ўқиниш, меҳнат қилиш, турмуш ва дам олиш шароитларини яратишга боғлиқ. Компартия Марказий Комитети маҳаллий миллат вақилларидан ишчилар синфи кадрлари, инженер-техник ҳодимлар тайёрлашга доир республика программасини амалга оширишни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблайди. Бу программа халқ таълимининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва янгилашни қўзда тутди. Энг аввало авария ҳўлатидаги 1132 та мактабнинг ҳаммасини тутатиш ёки капитал ремонт қилиш вазифаси қўйилмоқда. Шаҳарлар ва посёлкаларда бу вазифа 1992 йилгача, қишлоқ жойларда эса 1993 йилгача ҳал қилинади. Ҳар йили бир ярим баравар кўп янги мактаблар фойдаланишга топширилмоқда.

Асосан саноат йўналишидаги ҳўнар-техника билим юртлари тармоғи кенгайтирилмоқда.

Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссия ўқув юртлари билан бевосита шартнома асосида ҳар йили республиканинг ёшлари орасидан бир неча минг ишчи тайёрланади.

Олий ва ўрта махсус таълим ислохоти амалга оширилмоқда. Билимларнинг фан-техника тараққиёти билан боғлиқ тармоқларни бўйинча мутахассислар тайёрлаш қўлайтирилди ва яхшиланди. Мамлакатнинг марказий олий ўқув юртлари билан алоқаси кенгайтирилди, бу ўқув юртларига ҳар йили республикадан 3 мингдан зиёд йигит ва қиз юборилди. Ўрта Осиё республикаларининг олий ўқув юртлари билан кооперация янада ривожлантирилди, уларда 1,5 мингта яқин студентларимиз таълим олмо

Ўзбекистон ССРни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишлари

(Давоми. Боши биринчи бетда).

нисбатан ҳам ана шундай тадбирлар қўлланилади. Келгуси беш йилликда олий ўқув юрти ва техникумларнинг ётоқхоналарида уй-жой фонди 220 минг квадрат метр кенгайтади.

Лабораториялар, ётоқхоналарни жиҳозлашга анча маблағ ажратилмоқда, спорт базалари, студентлар клублари тармоқлари кенгайди. Корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар ўқув юрти билан бевосита алоқа ўрнатиб, уларга маблағ ва ускуналар ажрати берадилар.

Еш оилаларининг оёққа туриши ва мустақамланиши учун шарт-шароит яратишга катта эътибор берилмоқда. Боласизлик солиғини олишдан воз кечиш, биринчи ва иккинчи фарзанд тутилганда бериладиган имтиёزلарни кенгайтириш, бир йўла бериладиган нафақа миқдорини кўпайтириш, квартира, оилавий ётоқхоналардан жойини биринчи навбатда келин ва кўёвларга ажратишда кўмаклашиш, ёшларнинг уй-жой-қурилиш комплексларини ҳар томонлама ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Еш оилаларга айниқса янги кўчи борган жойларда рўзгорин тиклаб олишлари учун узоқ муддатли қарз ва ссуда бериш практикаси кенгроқ қўлланилади.

Экология вазиятини тубдан яхшилаш энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолардан биридир. Бу соҳадаги аҳвол жуда ташвишли. Республиканинг асосий сув манбалари, кўпгина шаҳарларнинг ҳавоси заҳарли химикатлар, ишлаб чиқариш чiqиқлари билан йўл қўйиб бўлмайдиган даражада булганган. Республика бутун аҳолиси фаровонлигининг асосий манбаи — ер пестицидлар билан заҳарланган ва шўрланган. Орولوш экология фалокати зонасига айланди.

Компартия ҳаёт муҳитини соғломлаштириш юзасидан шовиш-чоралар қўришни ўзининг ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги бурчи деб ҳисоблайди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларини қамраб оладиган комплекс экология программаси амалга оширилади. Табиатни муҳофаза қилиш идоралари, санитария хизмати, депутатлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида барча корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цехлар ва участкалари экология жиҳатидан паспортлаштириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг ҳар бири юзасидан экология жиҳатидан соғломлаштиришнинг конкрет тадбирлари белгиланиб, бу тадбирларни амалга ошириш муддатлари кўрсатиб берилди. Белгиланган шартлар бузилган тақдирда корхоналарнинг иштини тўхтатиб қўйиш, еш қўйиш ва ҳатто бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказишга қатъий чоралар қўйилади. Экология жиҳатидан зарарли корхоналарни фойдаланишга тошпириш таъқиқлаб қўйилади. Тошкент, Чирчиқ, Олмалик, Фарғона, Навоий ва республиканинг бошқа шаҳарларида экологик софликни таъминлаш чора-тадбирлари биринчи навбатда амалга оширилади.

Ўзбекистон Компартияси бутун мамлакат ёрдамида, Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар билан мустақам алоқада иш олиб бориб, Оролни сақлаб қолиш, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Орол бўйида экология ва санитария муҳитини соғломлаштириш тўғрисидаги қарорини бажариш учун курашга бутун кучини сарфлайди. Бу ишларни мувофиқлаштириш учун Иттифок даражасида махсус идоралар ташкил этилмоқда. Барча белгиланган кенг миқёсда ишлар ҳажмини бажариш учун анча маблағ қидириб топишмоқда, дастлабки маълумотларга қараганда, бу маблағлар 25 миллиард сўми ташкил этади. Маблағлар ва моддий-техника ресурсларини ана шу мақсадларга сарфлаш алоҳида планлаштирилмоқда. Республика Компартияси Марказий Комитети ва ҳукумати ана шу ишларни алоҳида назорат остига олади.

Компартия одамларнинг сикхат-саломатлигини муҳофаза қилиш ишини тубдан яхшилаш вазифасини тагин ҳам кенгроқ қилиб қўймоқда. Даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини анча мустақамлаш режалаштирилмоқда. 1990 йилдан бошлаб бу соҳада капитал қурилиш ҳажми кескин даражада ошади. Янги тутилган қақалокларни соғлом ўстириш, ҳомилдор аёлларга ёрдам бериш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир патронаж хизмати кўрсатиш учун ихтисослаштирилган марказлари ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш сезиларли даражада яхшиланади. «Совплатиста» қўшма корхонасида бир марта фойдаланиладиган шприцлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Врачлар тайёриллаш яхшилаш мақсадида мамлакатнинг энг яхши медицина институтларида республика учун курсдор ташқари жой ажратиш тўғрисида келишиб олинди. Шу йилнинг ўзидеб бу институтларга 1800 йигит ва қиз юборилди. Одамларнинг сикхат-саломатлигини муҳофаза қилишни яхшилашнинг тармоқ программаси ишлаб чиқилмоқда, аҳолини ёппасига диспансеризациядан ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Сикхат-саломатлиқни муҳофаза қилишни меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни жисмоний тарбиялашга доир муҳим тадбирлардан ажратиб бўлмайди. Яқинда беш йил ичида 150 та стадион, 180 та сув ҳавзаси қуриш, спорт ва турист анжумалари прокати пунктларини бир неча баравар кўпайтириш вазифаси қўйилди. Спорт ускуналари ва кийимлари ишлаб чиқариш кескин кўпайтирилди.

Партия, совет, хўжалик идораларининг куч-ғайрати уй-жой қурилишини жадаллаштиришга қаратади. Ўзбекистон Компартияси партиянинг ҳар бир оилани алоҳида қўриқлаб ёки у билан таъминлаш йўлини изчиллик билан ўтказаверади.

1990 йилда 10,4 миллион-квадрат метр уй-жой қуриш кўзда тутилмоқда, бу 1989 йилдагидан 2 миллион квадрат метр ёки 25 процент кўдир. Бу эса уй-жойларни фойдаланишга тошпириш кўмалари аҳолининг ўсишини зўрға қоплайдиган аҳолини ўзгартиришга имкон беради. Сўнгги йилларда биринчи марта меҳнаткашларнинг уй-жой билан таъминланишини реал яхшилашга эришилди: ҳар бир киши ҳисобига уй-жой майдони беш йиллик тошпиригиде кўзда тутилганга нисбатан 0,6 квадрат метр қўйиб, 11,55 квадрат метрга етади.

XIII беш йилликда уй-жой қурилиши тубдан тезлашди. 67-68 миллион квадрат метр ҳажмдаги уй-жойни қуриб битизиш, 6 миллиондан ортиқ кишининг уй-жой шартини яхшилаш мўлжалланган, бу эса ҳозирги беш йилликдагидан бир ярим баравар кўдир. Бунда ҳар бир кишининг уй-жой билан таъминланиши 13 квадрат метрга етказилди. Уй-жой қурилишини белгиланган ҳажмига 1994 йилдагиде квартира олиш учун 1989 йилнинг бошларига қарабта турганларни квартира билан таъминлашга имкон беради.

Навбатга қўйилгандан кейин бир йил давомида қаҳрамон оналарга, уруш ва меҳнат ногиронларига яқна тартибда уй қуриш учун ер ажратиб бериш вазифаси қўйилмоқда. Давлат уй-жой қурилиш ҳисобидан эса ана шу тоифагаи шахсларга улар навбатга олингандан кейин уч йилдан кечиктирмай уй-жой ажратилишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш Компартия, барча партия, совет, хўжалик идоралари алоҳида ғамхўрлик қиладиган ишдир. Қолхоз ва совхоз фермаларида ҳам, кишлоқ меҳнатчиларининг шахсий хўжаликлариде ҳам чорва моллар сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Кўпгина областлар умумиттифок фойдалардан чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш кўпайтирилганлиги ҳисобига етиштирилган гўштнинг ҳажмасини ўзлари истеъмол қилиш учун қолдириш ҳуқуқини олдилар. Хуллас, эндиликда кўп нарса маҳаллий таъаббусларга ва хўжалик соҳасидаги омилкорликка боғлиқ.

Бу ва бошқа имкониятлар олдинги йилларда йўл қўйилган аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш камайиб кетганлигини бартараф этишигаида эмас, шу билан бирга гўшт истеъмол қилишни муайян даражада кўпайтиришга имкон беради. Агар 1985 йилда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш 31 килограмм ташкил этган, шундан кейинги йилларда янада камайиб, 29-30 килограммга тушиб қолган бўлса, 1990 йилда гўшт истеъмол қилиш даражасини 33,0 килограммга етказиш кўзда тутилмоқда. Жон бошига сўт истеъмол қилиш келаси йили 27 килограмм қўйиб, 205 килограммни ташкил этади. Аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш анча яхшиланади.

Ўзбекистон Компартияси кўзга ташланиб қолган ўзгартишлар янада мустақамланиши учун курашаверади. 1995 йилда жон бошига гўшт истеъмол қилишни 43-45 килограммга, сўт истеъмол қилишни 235-250 килограммга етказиш кўзда тутилган.

Пахта ақжақомчилигини тугатиш республикада мева-сабзавот комплексини жадал ривожлантириш учун шарт-шароит яратди. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириб, сабзавот-ползи экинлари маҳсулотларига эҳтиёжларни 1990 йилда, мева ва узумга бўлган эҳтиёжларни беш йил мобайнида тўла қондириш кўзда тутилмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш базаси икки баравар кенгайтирилди, натижада маҳсулотлар анча кам нобуд бўлди.

Мудофаа корхоналари ва бошқа тармоқлар аҳоли эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказилаётганлиги муносабати билан шу корхоналар ва бошқа тармоқлар мазкур муаммони ҳал этишга жалб қилинади. Улар XIII беш йилликда бевосита қолхозлар ва совхозларда ишлайдиган консерва заводлари учун 120 комплект машина-ускуналарни тайёрлаб берадилар.

Меҳнаткашларнинг қўйиб бораётган пул даромадларини хилма-хил халқ истеъмол моллари ва пулдан хизмат билан ишончли равишда таъминлаш — яқин йиллардаги асосий вазифалардан биридир. Ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига йилга ўрта ҳисобда 517 сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилаётган, 95 сўмлик пулдан хизмат кўрсатилаётган, 802 сўмлик моллар сотилаётган экан, кейинги беш йиллик охирига эса ана шу кўрсаткичларни тегишли равишда 650, 140 ва 950 сўмга етказиш вазифаси қўйилмоқда. Шундай қилиб, ўсиш 1,2 лан 1,5 бараварга етказилди. Болалар учун кийим-кечаклар, пойабзал ва бошқа моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди. «А» группаси корхоналарида истеъмол моллари ишлаб чиқариш уч баравар кўпайди. Аҳолига сотиш учун тикучилик, трикотаж буюмлари, пайпоқлар, пойабзал, телевизорлар, кир ювиш машиналари, электр чанг ютичлар, холодильниклар ва ноозик-овқат моллари ресурслари анча кўпайди.

Республика иқтисодининг аҳоли турмушини таъминлаш масалаларини ҳал қилишга кескин буниб юбориш келгуси йилдагиде ресурслар билан ана мустақамлашнинг талаб қилади. Шу мақсадда 1990 йилда ижтимоий соҳа базаларини ривожлантиришга 3,9 миллиард сўм ажратиб кўзда тутилмоқда. Бу эса беш йиллик планда 1990 йил учун кўзда тутилгандан 1,3 миллиард сўм ёки 53 процент кўдир.

Бундай ёндашув кейинги йилларда Ўзбекистон ССР ва маҳаллий Советлар халқ депутатларининг янги состави ваколатлари даврида мустақамланади ва ҳар томонлама ривожлантирилади.

III.

Аҳолининг фаровонлигини ошириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш республиканинг ишлаб чиқариш, фан-техника, табиий-иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланишга, ишчиликнинг сифатига боғлиқ.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР миллий даромад, меҳнат умумдорлиги даражаси жиҳатидан Иттифокдаги ўртача кўрсаткичлардан анча орқада қолмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун конкрет равишда қандай ишлар қилиш керак?

Ўзбекистон Компартияси бутун хўжалик сисбати қуйидаги принципал қондалар асосида қурилиши керак, деб ҳисоблайди:

— халқ хўжалиги ва унинг энг муҳим тармоғи — қишлоқ хўжалигини структурасини тубдан ўзгартириш. Барча хом ашё ресурслари асосан республика территориясида қайта ишланадиган бўлишига эришиб керак, бу эса миллий даромадни ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни кўпайтириш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтириш;

— бутун иқтисодиётга ижтимоий йўналиш бағишлаб, уни инсонга, инсоннинг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қўндиришга қаратиш. Янги беш йилликда фойдаланиладиган миллий даромаднинг асосий қисмини ижтимоий муаммолар комплексини ҳал қилишга, жорий қурилишларга ва ноишлаб чиқариш соҳаси қурилишга сарфлаш;

— замонавий фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш, кўп меҳнат талаб қиладиган ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқаришларни ўзлаштиришга ўтқиш. Машинасозлик, рўзгор техникаси, телевизион ва радио-аппаратларнинг техник жиҳатдан мураккаб маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи республика базасини вужудга келтириш ҳамда ривожлантириш;

— ишлаб чиқарувчи кучларни территорияларга янада оқилона жойлаштириш чораларини қуриш. Тошкент области ва Тошкент шаҳрида саноатнинг бундан бунёги тараққиётини истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан келдиб қўйиш. Янги бир вақтда Қорақалғистон АССР, Сирдарё, Сурхондарё, Қарақўм ва бошқа областларнинг саноат имкониятларини жадал кўпайтириш;

— пахта комплекси технологиясининг бевосита давоми бўлган енгил саноат ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш. Халқ хўжаликчилиги ва касбларини тиклаш, уларни янгидан ривожлантириш.

Қишлоқ хўжалигидаги тур ўзгаришлар пахта толаси етиштириш ва етказиб беришни 1,5 миллион тонна ҳажмида барқарор қилиб қўйиш билан боғлиқ, бу эса 1990 йилдагиде пахта майдонларини салкам 300 минг гектар камайтириш, мева-сабзавот, озуқа экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонини, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг кескин кўпайтириш имконини беради. Янги вақтда пахтакорлар меҳнатига қўшимча ҳақ жорий этиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархларини ошириш масаласини тубдан ҳал қилиш чоралари қўрилмоқда. 1990 йилда бориб 1 тонна пахта хом ашёсининг нархи 1000 сўмни ташкил этади. Бу 1988 йилда нисбатан 200 сўмга кўдир.

Ўзбекистон шароитида сугорма деҳқончилик республика аҳолисининг асосий қисмини бораётган беш манбалардан биридир. Шу сабабли ерларнинг ҳисдорлиги ва унумдорлигини ҳар томонлама ошириш, меҳнатига ҳошани яхшилаш, сувдан тежаб ва оқилона фойдаланиш республикани ривожлантириш истиқбол программасининг тарқийб қисмидир.

Шу мақсадда сувни тежайдиган технологияларни, сугоришни илгор техникасини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг сувни кам талаб қиладиган янги навларини яратиш ҳамда уларни энгига алоқадор чора-тадбирлар комплексини изчиллик билан амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Сув ресурслари тобора камайиб бораётганлиги ҳамда демографик вазият муносабати билан қўшимча сув манбаларини ва уларни бошқа территориялардан тўлдирish ҳисобига регионни сув билан таъминлаш имкониятларини қидириб топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барча ижтимоий, иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилиши қурилиш комплексидеги ишларнинг аҳолини тубдан яхшилаш билан боғлиқ. Қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базаси мустақамланади. Беш йиллик ичида цемент, шифер, гўшт ишлаб чиқариш 1,5-1,7 баравар, линолеум, пардозлаш плиткаларини ишлаб чиқариш 3-4 баравар кўпайди. Хўжаликларда маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш кенг ривожлантирилади. Бу эса келгуси беш йилликда қурилиш бўлимадарининг ҳам, яқна тартибда уй қурувчиларининг ҳам моддий ресурсларга эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини қўйиш ва муҳим ривожлантириш, унинг иқтисодий мустақиллигини мустақамлаш бошқа иттифокдош республикалар билан Ўзбекистоннинг алоқаларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятини тақомиллаштириш талаб қилади. Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон билан ҳамкорликни анча мустақамлаш лозим бўлади. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари кенгайтирилади. Бунинг учун СССР ташқи иқтисодий банкининг республика банки ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси илм-фан тобора кўпроқ даражада бевосита ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолаётганлиги асосланади. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш кучайтирилади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг, бошқа илмий-тадқиқот, конструкторлик ташкилотларининг, олий ўқув юртиларининг интеллектуал имкониятларини республикани ижтимоий-иқтисодий ва сийсий ривожлантиришнинг асосий муаммоларини, экология, одамлар соғлигини сақлаш муаммоларини ҳал этишга қаратилади. Олимларимизнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги энг катта илмий марказларда стажировкадан ўтишлари кенгайтирилади. Илм-фаннинг моддий-техника базаси мустақамланади.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республикада ҳам экономикани бошқаришнинг туб ислохоти амалга оширилмоқда. Асосий ишлаб чиқариш бўғини бўлган қорхона ва хўжалик ислохотининг бошланғич таянчидир. Уларнинг мустақиллигини ва масъулиятини ошириш, хўжалик ҳисоби принципларини ишлаб чиқариш ичидеги барча бўлинмаларга, ҳар бир иш жойига етказиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси жойларда Советларнинг амалдаги тўла ҳокимияти қарор топишга, территорияларини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барча масалаларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг кенг қўламдаги иштирокига ҳар жиҳатдан ёрдам беради. Маҳаллий хўжалик составини кенгайтириш, республика, област, шаҳар ва район ўзини ўзи бошқарувининг молиявий базасини мустақамлаш юзасидан тадбирлар амалга оширилади. Қайси идорага бўйсунганидан қатъи назар, барча корхоналар маҳаллий бюджетни вужудга келтиришда иштирок этиши лозим.

Аҳоли истиқомат жойларида ўзини ўзи бошқарувнинг муҳим бўғини сифатида маҳалла комитетларининг ҳуқуқлари ва ваколатлари кенгайтирилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан маҳалла комитетларига ҳодимлар ва иш ҳақи фонди ажратилган масалалари ҳал этилди. Уларнинг мустақиллиги анча оширилмоқда. Кам таъминланган оилаларга, пенсияерларга ва ёлғиз қариёларга ёрдам беришда маҳалла комитетларининг моддий имкониятлари мустақамламоқда. Оилавий ва қўшнилар ўртасидеги жанжалларнинг, жиноятчиликнинг олдини олишда, ёшларни халқ анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашда уларнинг маъриф қўрилмоқда. Территорияларни ободонлаштириш, янги объектлар қуриш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни маҳаллий Советлар маҳалла комитетларининг иштироки ва розилиги билан ҳал этадилар.

IV.

КПСС ҳаракат дастури асосида йиллараро муносабатларни уйғулаштиришни, Ўзбекистоннинг, республикада яшаётган барча миллатлар ва элатлар тараққиётининг етилган муаммоларини ҳал этишни таъминлайдиган миллий сисбати амалга оширишни Компартия ўзининг энг муҳим сийсий вазифаси, деб ҳисоблайди.

Компартия ижтимоий-иқтисодий, сийсий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларида республиканинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш йўлини собиётдамли билан ўтказаверади. Ўзбекистон ССР ва Қорақалғистон АССР ихтиёрида бўлган масалаларни ҳал этишда уларнинг кенг қўламдаги мустақиллигига эришиб учун ҳаракат қилверади.

Миллий-маданий эҳтиёжларни тўла-тўқис қондириш учун аниқ-равшан тадбирлар қўрилади. Ўзбекистон Компартияси Ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган Қонуни қатъият билан ва оғишмай амалга оширади. Республика Министрлар Совети ана шу Қонуни белгиланган муддатларда рўбга чиқариш учун тадбирлар комплексини амалга оширмоқда. Ҳозирнинг ўзидеб ҳамма ерда Ўзбек тилини пухта ўрганиш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Янги вақтда йилларларо музола тили бўлган рус тилини барча аҳоли яхшироқ билиб олиши, республикада яшаётган ҳамма халқлар тилларининг эркин равишда таъминланмоқда.

Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг айрим давларини ўрганиш ва уларга ҳолис баҳо бериш юзасидан изчиллик билан иш олиб боришмоқда. Халқ анъаналари, урф-одат ва маросимлари, масалан, «Наврўз» баҳор байрамининг ўтказиш ва шу сингарили тикилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз ва бошқа маданий марказларда тарихий ёдгорликларни таъмирлаш учун қўшимча маблағлар ажратилмоқда. Ўқув юртиларда Ўрта Осиё халқлари тарихи, маданияти ва турмушини ўрганиш юзасидан махсус курслар очилмоқда. Ихтиёрийлик асосида араб ёзувини ўрганиш ташкил қилинаётди. Шу билан бир қаторда омани жаҳон ва Ватанимиз маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Ўзбек тилида, республикадаги бошқа миллатларнинг тилларида китоб чиқариш кўпайди, миллий маданият марказлари ва жамятлари ташкил этилади. Тожиқ, қозоқ, қирғиз, татар, корей тилларида газеталар нашр этиш кўпайди. Республикдаги миллатларнинг тилларида радио-эшитиришлар ҳажми ортади.

Партия ташкилотиде бундан бун ҳам Ўзбекистонда яшаётган барча миллатларнинг партия, совет ва давлат идораларида, жамоат ташкилотларида зарур даражадаги ваколатчилигини таъминлаш йўлини изчиллик билан ўтказаверади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни, чет эл мамлакатлари билан илмий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро фойдала асосида қўшма корхоналар барпо этиш масалаларида республиканинг ҳуқуқлари анча кенгайди.

Ўзбекистон Компартиясининг принципиал позицияси шундан иборатки, республика фақат Совет Федерацияси составида, совет халқларининг қардошлик оиласидеги миллий ва ижтимоий жиҳатдан муваффақлиги равақ топиш мумкин. Партия ташкилотлари бирлигини ҳар жиҳатдан мустақамлашлари, аҳолининг барча табақалари, айниқса етимиб келаётган ёш авлодини принципиал янги асосда ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашни қўйайтиришлари керак.

Ўзбекистон коммунистларини миллиятига қараб баъзи кишиларга қандайдир имтиёзлар берилишига, бошқа одамларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймайдилар. Улар миллатчилик ва шовинизм қўрнишларига қарши, сепаратизм ва миллий алоҳидчилиги тарғиб қилувчиларга қарши муросаси кураш олиб борадилар, миллатлар ўртасига ғиёф солиш йўлидаги уринишларга, интернационал ғалабаларимизни камситишларга қатъий зарба берадилар.

Ёшларни совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнатини муҳофаза этишга, социалистик Ватанимизни ҳимоя қилишга, армия ва халқнинг бирлигини мустақамлашга шай бўлиб туриш руҳида тарбиялаш иши ҳақида партиянинг диққат-эътиборида бўлаверади.

V.

Ўзбекистон Компартияси оманинг меҳнатдаги ва ижтимоий фаолиятини оширишни, унинг сийсий ва маънавий маданиятини юксалтиришни, халқ оммаси қайта қурилишнинг мақсадларини уқиб олишини ўзининг асосий вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Бу демократиялаш ва ошкоралик принципларидаги мафкуравий ишнинг янги мазмуни ва усулларида тақозо этади. Партия фаолиятининг, депутатларнинг меҳнат ва ўқув коллективларидаги, аҳоли истиқомат жойларидаги урғувларни, барча даражадаги раҳбарларнинг меҳнаткашлар билан бевосита алоқалари қўндалик одат тусини олмақда.

Партиянинг халқ билан мулоқоти оманинг ахборот воситалари ёрдамида ҳам қўйайтирилмоқда. Ошкоралик,

танқид ва ўз-ўзини танқид, партия комитетлари билан редакциялар ўртасидаги ўзаро ишонч ва масъулиятга, ҳурмат-эҳтиромга асосланган муносабатлар мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг амалий йўллари қидиришга ёрдам бериши керак.

Омманий ахборот воситаларининг моддий базасини янада ривожлантириш ҳам шунга хизмат қилади. 1995 йилда республика территориясидаги жуда кўп аҳоли телевидение кўрсатувларини қўришга муваффақ бўлади. Термизда радио-телестудия, Андижон ва Самарқандда телемарказлар, Ўрганч ва Нукусда радио уйлари фойдаланишга тошпирилади. Самарқанд шаҳрида Гафур Ғулом номли бадий адабиёт нашриётининг филиали очилади.

Маданий-маърифий ишни ва дам олишни уюштиришни янги босқичга қўтариш лозим бўлади. Келгуси беш йилликда Ҳамза театри ва А. Қаҳҳор номли сатира театри, консерваториянинг янги биноларини қуриш, Ўзбек ёш томошабинлар театри, Свердлов номли концерт зали биноларини реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Самарқанд шаҳрида янги концерт-филармония зали томошабинлари қабул қилиб олади. Тошкентдаги Горький номи театр биноси қуриб битказилади. Клублар, кутубхоналар, маданият уйлари қуриш ва жиҳозлашга кўп маблағ ажратилади.

Ўзбекистон Компартияси ижодкор адибларнинг барча соғлом кучларини жиқлаштириш, бирлаштириш, яқин ўтмишда адиблар билан узилиб қолган мулоқотни тиклаш, ҳурмат-

жугалиги) билан шуғулла-
ниш истагини билдирган
СССР граждaнларига бир
миргали қилиши учун
керосга қолдириладиган ёки
жарага дала ва томорқадан
эборат ер участкалари аж-
ратиб берилaди.

Махсус кишлоқ хўжалик
билимлари ва малакасига,
кишлоқ хўжалигида амалий
иш тажрибасига эга бўлган
ва маъзур жойда яшайдиган
шахслар ер устакиси олин-
ида афзаллик ҳуқуқига эга-
тирлар.

Деҳқончилик хўжалиги
ер устакасининг энг катта
иқдорини ҳалқ депутат-
лари маҳаллий Советлари
регионал хусусиятларни, иқ-

исослаштиришни ҳамда бе-
илаётган ердан деҳқончи-
лик хўжаликларининг аъзо-
лари шахсий меҳнатидан
фойдаланиш имкониятлари-
ни ҳисобга олиб, белгилаб
беради.

Деҳқончилик ҳужаликлари-нинг ер участкалари тақсимланмайди.

Деҳқончилик ҳужалиги ерлари иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида белгиб қўйилган шартларда меърос қилиб қол-

Дехқончилик хўжалигига берилган ер участкаси шу дехқончилик хўжалигининг розилиги билан унга халқ депутатлари Совети томонидан

баабаравар ер участка-
си ажратилиб, ер участкаси
олаётган корхона, муассаса
ва ташкилот янги жойда ол-
дингисининг ўрнига уй-жой-
лар ва бошқа иморатларни
қуриб берганидан кейин
камда ушбу асосларга муво-

риқ бошқа барча зарарлар-
ни тўла ҳажмда тўлагани-
дан кейин давлат ёки жа-
моат аҳтиёжлари учун қай-
тариб олиниши мумкин.

аталмаган ерлар

Саноат, транспорт, алоқа
ерларидан ва қишлоқ хўжа-
лигида ўзга мақсадларда

ишлатиладиган ерлардан
фойдаланиш тартиби ССР
Иттифоқи, иттифоқдош
автомон республикалар қо
нунлари билан белгилаб
қўйилади.

28-модда. Табиагини муҳо-
физа қилиш, қайта тиклаш
ва соғломлаштиришга мўл-
жалланган ерлар

Қўриқхоналарнинг, мил-
лий ва дендрология паркла-

рининг, ботаника боғлари-
нинг, курортларнинг ва
бошқа шу каби объектлар-
нинг ерлари табиатни му-
ҳофаза қилишга, қайта тик-
лашга ва соғломлаштиришга
мўлжалланган ерларга кира-

Бундай ерлардан фойдаланиш тартиби ССР Иттифокчи, иттифокдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгилаб қўйилади.

29-модда. Ўрмон фонди
ерлари

Ўрмонлар билан қоплан-
ган ерлар, шунингдек ўрмон
билан қопланмаган аммо
ўрмон ҳужалиги эҳтиёжлари
учун аталган ерлар ўрмон

Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларининг қонунлари билан белгилаб қўйилади.

30-модда. Сув фонди ер-
лар

Сув ҳавзалари, гидротех-
ника, сув ҳўжалиги иншоот-
лари банд қилган ерлар,
шунингдек сув ҳавзалари
қирғоқларидан ажратилган
ерлар сув фонди ерларига

Сув фонди ерларидан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи, иттифокдош ва автоном республикалар қонунари билан белгилаб қўйилади.

31-модда. Запасдаги ерлар

Эталик қилиш ва узоқ муддат фойдаланиш учун берилмаган барча ерлар запасдаги ерлардир.

Запасдаги ерлар ҳалқ де-

Паспортнинг Советларнинг тасарруфида бўлади ва ушбу асосларга мувофиқ равишда эгаллик қилиш, фойдаланиш ва ижарага бериш учун мўлжалланади.

(Правовий тўртинчи бепла)

(дәреслігі туралы бейбәт).

VI б ў л и м

Ерга эгалик қилувчиларга, ердан
фойдаланувчиларга етказилган зарарларни
ҳамда қишлоқ хўжалик ва ўрмон
хўжалиги ишлаб чиқариши
зарарларини тўлаш

VII БҮЛИМ

Ерларни муҳофаза қилиш

Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш мураккаб табиий ҳосила (экосистема) бўлиши экинзорларга уларнинг зона ва минтақа хусусиятларини эътиборга олиб, комплекс

Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш мураккаб табиий ҳосила (экосистема) бўлиши экинзорларга уларнинг зона ва минтақа хусусиятларини эътиборга олиб, комплекс

ИЛГАРИ ҳабаз қилинган

ДИА

армушни ҳам ўнглаш муш-
боғлиқдир. Буни тўғри ту-

VIII 6

ган эди. Бинобарин, у маъ-
мурий-буйруқбозлик иш ус-

Чунки чиндан ҳам ҳозир

Нотиқларнинг аксарият

XI бўлим

Ер хусусидаги низоларни ҳал этиш ва
ер қонунларини бузганлик учун жавобгарл

партия ва касаа союз таш-
килотлари, меҳнат коллек-

миди. Шундай бўлса бори-
бор. Вироқ бу масаланинг
силоятини ривожлантириш
режаси ва бюджет лойиҳаси-
ни нима алоқаси бор? Кор-
хонадаги меҳнат интизомини
қонунадаги солиш маъмурий,

мити Тошкент шаҳар парти-
кометининг иккинчи котиби
Ю. А. Аспековга умр йўлдош

**Тамара Михайловна
АСПЕКОВА**

вафот этганлиги муносабат

партия ва касаа союз таш-
килотлари, меҳнат коллек-

Р. — 01572. **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.** Индекс: 64684. Б. — 1736. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12